

Үн бир ой кутганди ташрифингни жон,  
Үн бир ой безанмиш сен учун Жинон,  
Согинчинг коммасдан, тушди<sup>л</sup> ку хижрон!  
Ал-фирок, кечалар! Ал-фирок, айём!  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Вужудинг дилларга имтихон эрмиш,  
Висолу фирокинг иймон синармиш,  
Кадрингни билганлар кадринг топармиш,  
Сени севганларга дўзахдир харом!  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Сенда инмиш кўқдан Тавроту Инжил,  
Иброхим сухуфи, Забури жамил,  
Сенда нозил бўлмиш Куръони Жалил,  
Сен Калом ойисан, суннатинг киём,  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Сен муруват оий, саховат оий,  
Илму амал, такво, тиловат оий,  
Намозу дуо-ю ибодат оий,  
Канийди этсайдинг йил бўйи давом!  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Шайтонлар кишанда, рухлардир озод,  
Нафс иши касоду, калб уйи обод,  
Малаклар хавасда, ёмонлар барбод,  
Инсон ўзлигини топмишдир тамом,  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

«Аллоҳу акбар!», бас, оғиз ёпилар,  
«Аллоҳу акбар!», бас, рўза очилар,  
Демакки, хар ишда «Аллоҳу акбар!»,  
Аллоҳ улуг, бас, сен улугсан мудом,  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Бир кечанг бор сенинг, минг ойдан афзал,  
Бир тунлик ибодат <sup>л</sup> минг ойлик амал,  
Умр кискалиги етказмас халал,  
Бу кеча тонггача саломдир, салом!  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Ёгар ташрифингдан хар ён баракот,  
Амал дафтарига тўлар хасанот,

Кетарсан, дилларга чўкар хасарот,  
Келдинг-у, кетмокка ростладинг хиром!  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Ким сенда эзгудир, йил бўйи эзгу,  
Сендан бебахрага йўқ абад ёгду,  
Магфират топмаган кечгуси кайгу,  
«Хор бўлсин!» демишлар Сохиби икром,  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Биз сендан тонмадик, тонма биздан хам,  
Райён эшигига кут бизни бир дам,  
Шафоатчимиз бўл, рад этмас Эгам,  
Саломун алайкум, ва алайкум салом!  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Биз армон ютармиз. Майли, яхши бор,  
Кутармиз ўн бир ой яна интизор,  
Яна дийдорингга етказсин Гаффор!  
Борган келганингга минг бор эхтиром!  
Алвидо, Рамазон! Алвидо, Сиём!

Хусайнхон Яхё Абдулмажид  
1434. 23-Рамазон/01.08.2013.